

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 7 (104)
2021

ISSN 2181-6514

WWW.ITML.UZ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ И ЭТИКИ ВОСПИТАНИЯ

✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ

✓ КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

✓ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

✓ КАСБГА ЙЎЛЛАШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ

✓ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ

✓ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

✓ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ

✓ ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА

✓ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ



Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти нашри.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№ 7 (104), 2021

3	УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ / НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Умаров А.Ю. Ижтимоий-ҳамкорлик шароитида педагогик кадрлар тайёрлаш интегратив механизмларини такомиллаштириш хорижий мамлакатлар мисолида
10	МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ / ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКА Саидов У.Р. Ўзбек тилидаги хизмат хатларининг тил хусусиятлари ҳақида
14	ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ Маҳмудов И.И. Мутахассислар таълимида компетенцияга асосланган ёндашувни такомиллаштириш механизмлари
21	ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ Нажмудинов Х.Г. Ўқитишда ахборот технологияларини қўллашнинг айрим жиҳатлари
29	Холмуродов А.Э., Эргашев Н.Ф. Ўқув материални визуал технологиялар асосида намоиш этишнинг ўзига хос аспекти
35	МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Юлдошев И.А., Раззоқов И.Д. Мультимедиа дастурлари асосида ўқувчиларнинг физик билимларини ошириш методикаси
42	ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ / ПСИХОЛОГИЯ СЕМЬИ Исакова М.Т. Инсоннинг саломатлиққа муносабати билан унинг индивидуал-динамик хусусиятларининг ўзаро боғлиқлик муаммолари
49	ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ / ИНКЛЮЗИВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Холиқов А.Қ. Ногиронлиги бўлган ёшларнинг ҳаётга ижтимоий мослашувни ташкил этишнинг илмий асослари
55	ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ / МЕНЕДЖМЕНТ В ОБРАЗОВАНИИ Ғуломов З.Т. Ёшлар таълим-тарбияси ва уларни иш билан таъминлашда менежмент тизими ёндашуви
63	РАҲБАР КУТУБХОНАСИ (ЯНГИ МЕЪЁРИЙ - ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРГА ШАРҲЛАР) / В ПОМОЩЬ РУКОВОДИТЕЛЮ (НОВЫЕ НОРМАТИВНО - ПРАВОВЫЕ ДОКУМЕНТЫ И КОММЕНТАРИИ К НИМ) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги "Республика олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5172-сон қарори Постановление Президента Республики Узбекистан от 6 июля 2021 года №ПП-5172 "О мерах по дальнейшей поддержке одаренной молодежи, зачисленной в состав студентов высших образовательных учреждений республики"
67	МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

«Замонавий таълим» («Современное образование») журнали:

• Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/2-сон қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича);

• **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган. – https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

• **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Журнал «Замонавий таълим» («Современное образование»):

• постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 20 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ);

• входит в базу данных **РИНЦ**. – https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

• входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Саидов Ўлмас Рахматович,Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика
институтини Гуманитар фанлар факультетини "Ўзбек
тили ва адабиёти" кафедрасини ўқитувчиси

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ХИЗМАТ ХАТЛАРИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

УДК: 37.02

САИДОВ Ў.Р. ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ХИЗМАТ ХАТЛАРИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Давлат тилининг жадал жорий қилинишидаги асосий масалалардан бири мамлакатимизда иш юртиш тизимини тўлалигича ўзбек тилига ўтказишдан иборат. Айни пайтда турли соҳа ходимларининг иш юртиш борасидаги билим ва малакаларини мунтазам ошириб бориш ҳам зарурий эҳтиёждир. Мақолада ташкилот ва муассасаларнинг иш юртиш фаолиятида энг кўп қўлланадиган ҳужжатлар, уларни тузиш тартиб-қоидалари масалалари тўғрисида фикрлар берилди. Шунингдек, хизмат ёзишмалари деб аталувчи ҳужжат турларининг тил меъёрларига алоҳида тўхтаб ўтилди.

Таянч сўз ва тушунчалар: ҳужжат, ҳужжатчилик, ўзбек ҳужжатчилиги, ҳужжатлар тили, иш юртиш қоғозлари, хизмат ёзишмалари, хизмат хатлари, расмий иш услуби, от туркумига оид сўзлар.

САИДОВ У.Р. ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ЯЗЫКА СЛУЖЕБНЫХ ПИСЕМ НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Одним из главных вопросов в быстром введении государственного языка является перевод всей системы делопроизводства в нашей стране на узбекский язык. При этом необходимо постоянно повышать уровень знаний и навыков сотрудников в различных сферах. В статье представлены взгляды на наиболее часто используемые документы в делопроизводстве организаций и учреждений, порядок их подготовки.

Ключевые слова и понятия: документ, документация, узбекская документация, язык документов, делопроизводства, служебная переписка, служебные письма, служебный стиль работы, слова, относящиеся к существительному.

SAIDOV U.R. REGARDING THE OFFICIAL LETTERS IN THE UZBEK LANGUAGE FEATURES

One of the main issues in the rapid introduction of the state language is the transfer of the entire system of office work in the country to the Uzbek language. At the same time, there is a need to constantly improve the knowledge and skills of employees in various fields. The article provides views on the most commonly used documents in the office work of organizations and institutions, the procedural issues of their development. Special attention is paid to the language norms of documents types called service correspondence.

Key words and concepts: document, documentary, uzbek documentary, the language of documents, stationery, service correspondence, service letters, official work style, words related to the category of nouns.

Кириш.

Ҳужжатчиликни шакллантириш ва такомиллаштиришдаги муҳим масалалардан бири ҳужжатларнинг тили масаласидир. Ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштиришда тилнинг барча асосий қонуниятлари ва қоидаларини маълум даражада билиш зарур, шунингдек, тилнинг имло қоидалари, тиниш белгилари ва услубий қоидалар ҳам пухта эгалланган бўлиши керак. Шу маънода, ўзбек ҳужжатчилигида ҳам жиддий ўрганилиши, амалий ва назарий тадқиқ этилиши лозим бўлган айрим ўринлар бор. Айниқса, ҳужжат номларини ўзбек тилининг ўз имкониятлари асосида шакллантира бориш, ҳужжатчиликдаги сўз, сўз бирликлари ва ибораларнинг ўзбекча муқобилини излаб топиш ва амалиётга киритиш муҳим вазифалардан саналади. Масалан, ҳозирда ўзбек ҳужжатчилигида "справка" маъносида "маълумотнома", "рапорт" ўрнида "билдириш", "инструкция" ўрнида "йўриқнома", "акт" ўрнида "далолатнома", "характеристика" маъносида "тавсифнома", "ведомость" ўрнида "қайднома", "протокол" ўрнида "баённома" каби атамалар ишлатилмоқда. Албатта, бу ҳолат мантиқан тўғридир.

Мавзунинг долзарблиги ўзбек ҳужжатчилигида иш юритиш қоғозларининг тили ва услубидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, ҳужжатчилик тарихини яхши ўрганиш, иш юритиш тилига доир муаммоларни аниқлаш ҳамда ўзбек тилида юритиладиган ҳужжатчиликни янада такомиллаштириш лозимлиги билан белгиланади. Қолаверса, ўзбек тилида хизмат ёзишмалар тили ва услубини кенг тадқиқ қилиш, ёзишмалар тилидаги ўзига хосликларни аниқлаш бугунги кунгача чуқур ўрганилмаган масалалардан ҳисобланиди.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили.

Республикамызда расмий иш услубини ўрганиш бўйича илк қадамлар қўйилган, хусусан бир номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган¹. Мустақиллик йилларидан кейин ҳам ҳужжатчилик соҳасига оид бир қанча адабиётлар ва қўлланмалар яратилди. Жумладан, "Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури"

(Муҳиддинова Х.С., Абдуллаева Н.А.)², "Давлат тилида иш юритиш" (М.Аминов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Н.Маҳмудов, Ё.Одилов)³ каби амалий қўлланмаларни эътироф этиш жоиз. Бу қўлланмаларда ўзбек тилидаги иш юритиш ҳужжатларига умумий таъриф ва тавсифлар берилган. Шунингдек, "Давлат тилида иш юритиш" қўлланмасида иш юритиш ҳужжатлари қаторида хизмат ёзишмалари турлари, шакллари ва мазмуни кабилар бирмунча кенгроқ ёритиб берилган.

Мақоланинг илмий янгилиги шундан иборатки, хизмат ёзишмалари таркибига киритилган барча иш қоғозларининг тили ва услуби тўлалигича изоҳланмаган, яъни хизмат ҳужжатларининг морфологик, синтактик, грамматик аспектларига алоҳида эътибор қаратилмаганлигини айтиб ўтиш зарур.

Тадқиқотнинг мақсади хизмат ёзишмалари таркибига кирувчи хизмат хатлари (*ахборот хат, даъво хати, талабнома, илова хат, илтимос хат, кафолат хати, сўров хати, тасдиқ хат, фармойиш хат, эслатма хат ва Ҳ.К.*) тилининг алоҳида хусусиятларини ўрганиш, ўзбек тилида хизмат хатлари тилига хос бўлган ҳолатларни аниқлаш каби масалаларга эътибор қаратишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ҳужжатчилигидаги расмий иш юритиш жараёни танланди.

Тадқиқотда тизимлилик, қиёсий-мантиқий таҳлилдан фойдаланилди.

Асосий қисм.

Хизмат хатлари орқали давлатлар, идоралар, ташкилотлар, турли муассасалар, корхоналар ўртасида расмий алоқалар ўрнатилади, турли мазмундаги хизмат алоқалари амалга оширилади. Хизмат хатлари мазмунининг мукамал, тўлиқ, аниқ ва лўнда бўлиши уни қабул қилувчи томоннинг осон тушунишини таъминлайди. Ҳужжатшунос А.С.Головач шундай ёзади: "Бошқарув соҳасидаги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири айтиш соҳа ходимларининг кўпчилигида назарий ва амалий тайёргарликнинг бўшлиғидир, улар муассаса, ташкилот ва

² Муҳиддинова Х.С., Абдуллаева Н.А. Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази, 1997.

³ М.Аминов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Н.Маҳмудов, Ё.Одилов. Давлат тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. – Тошкент: "Ўзбекистон нашриёти", 2020.

¹ Бабаханова Д.А. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка. Автореферат дисс. на соискание уч. ст. канд. филол. наук. – Ташкент, 1987.

корхоналарда қабул қилинган ҳужжатлар билан ишлаш йўриқномалари, усуллари ва йўллари мажмуини етарли даражада билмайдилар”¹. Натижада ҳужжат матнида ва мазмунида турли ғализликларга йўл қўйилади. Ҳужжатлар тилида хатоликларга йўл қўймаслик, холисликни таъминлаш учун юқорида таъкидланганидек, тилининг барча асосий қонуниятлари ва қоидаларини маълум даражада билиш зарурдир.

Ҳужжатчилик расмий иш юритиш таомилларига кўра хизмат хатлари мазмунида қолиплаган бирикмалар тез-тез такрорланади, чунки бундай хатларда кўпинча бир хил турдаги вазиятлар акс этади. Шу сабабли, хизмат хатларининг баъзи муҳим жиҳатлари учун бир хил лингвистик дизайнга эга бўлган тил бириклари ишлатилиши табиийдир. Бундай жиҳатлар учун сўз бирикларининг маълум бир синтактик модели мавжуд бўлиб, у семантик, услубий хусусиятларига қараб бир қатор ўзига хос нутқ вариантларига эга. Масалан, муайян бир шарт ёки ваъдани тасдиқлаш мақсадида тузиладиган кафолат хатларида кафолат маъноси қуйидагича ифодаланиши мумкин: “Тўловга кафолат берамиз”, “Тўловни кафолатга оламиз” каби. Айнан шу жумлани кенгайтириш ҳам мумкин:

– Қурилиш ишлари тугаши билан бир ой муддат ичида тегишли ҳақни Саноат-қурилиш банкининг 27-бўлими орқали тўлашга кафолат берамиз.

– “.....иш тугатилгач тўловни кафолатга оламиз”;

– “.....шартнома шартлари учун тўлов кафолатланади” каби.

Бундай моделларнинг мавжудлиги ва уларнинг нутқий вариантлари хизмат хатларининг тузилишини сезиларли даражада осонлаштиради. Ягона вазифа - тегишли гапга мос келадиган синтактик моделни ва унинг нутқ вариантини тўғри танлашдир.

Ҳужжатлар тилида от туркумига оид сўзлар ҳам айниқса жуда кўп қўлланади. Хизмат хатлари матнларида баёнот, тавсифлаш, тасвирлаш ҳолати устунлик қилади, шунга мувофиқ матнларнинг мазмуни қоида тариқасида кўплаб тафсилотларни номлашни талаб қилади. Бу эса ҳужжатлар матнида от туркумидаги сўзларга тез-тез мурожаат қилишни тақозо этади.

Ҳар қандай ёзишмада, умуман, кўп ҳужжатларда от сўз туркумининг қуйидаги турлари ишлатилиши кузатилади:

– кишиларнинг исми, отасининг исми, фамилиясини билдирувчи шахс номлари (антропонимлар) – Раҳим Исмолович Алиев, Маҳмуд Собирович Каримов;

– жой номлари (Самарқанд шаҳри, Боғишамол кўчаси, Тошкент шаҳри, Қўйлик даҳаси, 42-уй, 14-хонадон).

– ташкилот, корхона, муассаса номлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Олий ҳўжалик судига, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий университети ва ш.к.);

– тарихий сана ва байрам номлари (8 март – халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан муборакбод этамиз, 21 март – Наврўз байрами муносабати билан чин дилдан қутлаймиз, 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муборак бўлсин ва ш.к.);

– сув ҳавзалари ва иншоотлари номлари (Чирчиқ дарёси, Чорвоқ сувомбори, Аму-Бухоро канали ва ш.к.);

– касб отлари (ўқитувчи, ишчи, педагог, врач, муҳандис, ҳайдовчи, ўқувчи, тарбиячи, санъаткор, тадбиркор, вазир, ҳоким, сувчи, пахтакор ва ш.к.);

– нарса отлари (қоғоз, китоб, дафтар, автобус, машина, автотранспорт, телефон, эшик, дераза, кийим, парта, стол, стул ва ш.к.);

– ўрин-жой отлари (сайилгоҳ, ошхона, сартарошхона, шаҳар, қишлоқ, маҳалла, вилоят, туман, шарқ, ғарб, кўча, гулзор, олмазор ва ш.к.);

– фаолият-жараён отлари (чорвачилик, овчилик, пахтачилик, гулчилик, асаларичилик, уруғчилик, терим, чопиқ, атторчилик, савдогарчилик ва ш.к.).

Ҳатто феъл билан ифодаланувчи ҳаракат ва ҳолатлар ифодаси учун ҳам отга яқин сўз шакллари танланади, яъни «ҳаракат номи» деб аталувчи сўз шакллари фаол ишлатилади: «...тайёргарликнинг бориши ҳақида», «...қарорнинг бажарилиши тўғрисида», «...ёрдам бериш мақсадида», «...қабул қилишингизни сўрайман» каби.

Хизмат хатлари мазмунида от туркумига оид сўзлар ҳужжатлар тилининг тушунарли ва лўнда бўлишини таъминлаши керак. Ҳужжат матнининг равшанлиги, фикрнинг аниқлиги, мазмуннинг тўлиқ бўлиши учун от туркумидаги сўзлар

¹ Головач А.С. Оформление документов. - Киев-Донецк: 1983.

ўз ўрнида ва мазмунга мос равишда ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Хужжатлар тили - бу мулоқотнинг расмий хусусиятини таъкидлашга ёрдам берадиган лексик воситадир. Матнда сўз ва шаклни танлаш, жумлалар тузиш, маълумотни тўғри етказиш хужжатлар тилининг тўлиқ ва тушунарли бўлишини таъминлайди. Хужжатда келтирилган маълумот уни қабул қилувчига хабарга қандай муносабатда бўлиш тўғрисида ҳам сигнал беради.

Хизмат ёзишмалари давлатлар, идоралар, ташкилотлар, корхоналар ўртасида, шунингдек, бир томондан шахс, бошқа томондан жамият, давлат, муассаса ўртасида ўрнатиладиган расмий муносабатлар соҳасига хизмат қилади. Шунинг учун расмий маънога эга бўлган ҳар бир сўз, ҳар қандай грамматик қурилиш, манзил эгасига жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган хабарни олганлигини, унга жиддий ва масъулиятли муносабатда бўлиши, у ёки бу вазифани бажариши кераклигини билдиради.

Хулосалар:

- расмий иш юритиш хужжатларининг ўзига хос тил хусусиятлари мавжуд;
- хужжат юритишда ҳар доим маълум бир тил қоидаларига риоя қилинади ва бунга катта аҳамият берилади;
- бошқарув соҳасида хужжатлар билан ишлаш йўриқномалари, усуллари ва йўллари мажмуи мукамал даражада эгалланган бўлиши лозим;
- хизмат хатларининг мазмунида бир хил лингвистик дизайнга эга бўлган тил бирликлари ишлатилиши табиийдир;

- хужжатларда лингвистик моделлар ва уларнинг нутқий вариантларидан тўғри фойдаланиш хизмат хатларининг тузилиши ҳамда хужжат мазмунини тушунишни осонлаштиради.

- Хизмат хатларида тегишли гапга мос келадиган синтактик моделни ва унинг нутқ варианты тўғри танлай билиш лозим.

- хизмат хатлари матнларида баёнот, тавсифлаш, тасвирлаш ҳолати устунлик қилади, шунга мувофиқ матнларнинг мазмуни қоида тариқасида кўплаб тафсилотларни номлашни талаб қилади. Бу эса хужжатлар матнида от туркумидаги сўзларга тез-тез мурожаат қилишни тақозо этади;

Ўзбек хужжатчилигида фойдаланиб келинаётган хизмат хатларининг тил хусусиятларини таҳлил қилиб қуйидаги амалий **таклифларни** беришимиз мумкин:

- хужжатнинг мазмуни тўлиқ ва мукамал бўлишини таъминлашда тил бирликларидан тўғри фойдаланиш;
- хужжатлар тилида от туркумига оид сўзларни хужжат мазмунига мос равишда тўғри танлаш ва ўз ўрнида ишлатиш;
- хужжатларнинг расмий хусусиятидан келиб чиқиб матнда сўз ва шаклни танлаш, жумлалар тузиш, маълумотни тўғри етказиш;
- хужжатлар тилининг тўлиқ ва тушунарли бўлишини таъминлаш;
- расмий маънога эга бўлган ҳар бир сўз, ҳар қандай грамматик қурилишни танлашда ҳолисликка таяниш, хужжат юритишда жиддий ва масъулият билан муносабатда бўлиш талаб этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н., Одилов Ё. Давлат тилида иш юритиш. Амалий қўлланма. – Тошкент: "Ўзбекистон нашриёти", 2020.
2. Муҳиддинова Х.С., Абдуллаева Н.А. Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази, 1997.
3. Головач А.С. Оформление документов. – Киев-Донецк, 1983.
4. Учебное пособие по дисциплине делопроизводства. – Новосибирск. СГА.